

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.
2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

РАХИМОВ РАСУЛБЕК ИБРОХИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ҚОН КЕТИШЛАРНИ ЖАРРОХЛИК УСУЛИ
БИЛАН ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Рахимов Расулбек Иброхимович

Юрак ишемик касаллиги бор беморларда гастродуоденал қон кетишларни жаррохлик усули билан даволаш тактикасини такомиллаштириш..... 3

Рахимов Расулбек Иброхимович

Совершенствование тактики хирургического лечения гастродуоденальных кровотечений у пациентов с ишемической болезнью сердца..... 27

Rakhimov Rasulbek Ibrokhimovich

Improving the diagnosis and tactics of surgical treatment of gastroduodenal bleeding in patients with coronary heart disease..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works
..... 53

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.
2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

РАХИМОВ РАСУЛБЕК ИБРОХИМОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА
ГАСТРОДУОДЕНАЛ ҚОН КЕТИШЛАРНИ ЖАРРОХЛИК УСУЛИ
БИЛАН ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib384 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хаджибаев Абдухаким Муминович Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Акилов Хабибулла Атауллаевич Тиббиёт фанлари доктори, профессор Лигай Руслан Ефимович Тиббиёт фанлари доктори Муллабаева Гузал Учқуновна Тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Иркутск хирургия ва травматология илмий маркази (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «11» май соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100081 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100081, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00, факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «20» апрел кунин тарқатилди
(2021 йил «20» апрел даги 02 рақамли реестр баённомаси)



Д.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Х.Э.Ливаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанларида фалсафа доктори (PhD)

Б.К.Алтиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда замонавий ташхислаш технологияларини жорий этилиши, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларига қарши янги дори воситаларини қўлланилиши сабабли ярадан қон кетишидаги ўлимни ўртача 10% гача пасайтиришга эришилди. Кўп сонли тадқиқотларнинг натижаларида йўлдош касалликларга эга бўлган катта ёшли беморлар гуруҳида «...консерватив даволашда ҳам, жарроҳлик усули билан даволашда ҳам ўлим ҳолати ортади ...»¹. Йўлдош патологиялари негизида ярали гастродуоденал қон кетишлари (ЯГДҚК) айниқса оғир кечиши, замонавий ҳолатда турғун бўлмаган стенокардияни, STни кўтарилиши ёки кўтарилмаслиги билан юзага келадиган ўткир коронар синдром (ЎКС), шунингдек, ўткир миокард инфарктини қамраб олган коронар етишмаслик билан кузатилувчи касалликлар муҳим ўринни эгаллайди. Умуман олганда юракни ишемик касаллиги (ЮИК) ва ярадан қон кетишлар алоҳида ҳолда умумий касалланиш ва ўлим тузилмасида биринчи ўринни эгаллайди. Мазкур нозологияларни бирга ривожланишида эса уларни бир-бирини оғирлаштирувчи таъсири кузатилади, бу эса юқори даражадаги ўлим билан боғлиқ бўлади ва 37% дан 70%гача ўзгаради. Афсуски, анъанавий тактика «...ёки қайталанишларнинг юқорлиги билан кузатиладиган ярали қон кетишни даволашдаги ортикча консерватизм билан, ёхуд коронар асоратларни ортишига олиб келувчи ярали гемостазнинг ҳаддан ташқари юқори бўлган жарроҳлик фаоллиги ...»² ни кўзда тутди. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳозирги вақтда юрак ишемик касаллиги негизида ярали гастродуоденал қон кетишларни даволаш муаммоси бўйича келгусида тадқиқотлар олиб бориш учун қатъий зарурият мавжудлиги кўрсатади.

Жаҳонда юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишларни клиник ва демографик хусусиятларини, юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишлар негизида миокарднинг функционал ҳолатини, юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишларда қон кетиш асоратлари ва ўткир коронар эксцесслар даражасини, касалликни турли даволаш тактикаларни қўллашдан кейин опрециядан кейинги ва умумий асоратларини, юрак ишемик касалликлари негизида гастродуоденал ярали қон кетишлар қайд қилинган беморларда интенсив даволаш тартибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ҳамда юрак ишемик касалликлари негизида гастродуоденал ярали қон кетишларни эндоскопик усулда тўхтатиш усуллари самарадорлигини клиник ва морфологик тадқиқотлар

¹Ивашкин В.Т., Шептулин А.А., Маев И.В. и др. Клинические рекомендации Российской гастроэнтерологической ассоциации по диагностике и лечению язвенной болезни // Рос. журн. гастроэнтерол., гепатол., колопроктол. – 2016. – Т. 26, №6. – С. 40-54.

²Искаков Б.С., Уменова Г.Ж., Шепшелевич Ю.В. Алгоритм диагностики гастродуоденальной патологии у больных ИБС // Вестн. Казахского нац. мед. ун-та. – 2017. – №1. – С. 149-153.

натижаларини солиштирма тахлили килишни клиник кузатиш ва эндоскопик гемостазни ишончли ва хавфсиз усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»³ каби вазифалари юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, University

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.med.miami.edu; web.unipv.it; www.duke.edu; www.univ-angers.fr/fr/index.html; <https://www.mcmaster.ca>; www.sklifos.ru; ifnmu.edu.ua; www.english.us.edu.pl; www.keio.ac.jp; www.atauni.edu.tr; www.lewishamandgreenwich.nhs.uk; www.uksh.de; www.utoronto.ca; www.fudan.edu.cn; www.ucalgary.ca; www.univ-nantes.fr; www.ufsc.br; www.uq.edu.au; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.gu.se; www.ku.dk; www.ifnmu.com; www.gu.se; www.helsinki.fi; www.ku.dk сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

of Miami Miller, University of Kansas, University of Duke (AQSH); University Hospital Lewisham, University of Leeds (Англия); University of Gothenburg (Швеция); University of Copenhagen (Дания); University of Pavia (Италия); Universität Würzburg, University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Université d'Angers (Франция); University of Hong Kong (Хитой); McMaster University, University of Toronto (Канада); University of Silesia (Польша); Keio University (Япония); (Helsinki University, Финляндия); National Medical Research Center of Cardiology, Moscow, Russia; National medical research center of cardiology of the Ministry of healthcare of the Russian Federation (Россия); Ivano-Frankovsk National Medical University (Украина); Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: бўлмачалар фибриляцияси мавжуд пациентларда юзага келадиган қон кетишлар натижасида юзага келадиган инсулт ва тромбоз эмболияни олдини олиш мақсадида қўлланиладиган аспирин ва варфариннинг самардорлиги исботланган (University of Duke, AQSH); ёши катта пациентларда ошқозон ичак тизимида қон кетиши натижасида юзага келадиган камқонлик, дивертикулез ва ошқозон ичак яраси каби хавфли омиллари ва ўлим даражасининг юқорилиги исботланган (University of Pavia (Италия); ДНК асосида ишланган микрочиплар ёрдамида қондаги бактерияларни тезкор аниқлаш механизми ишлаб чиқилган (Helsinki University, Финляндия); катта ёшли инсонларда сурункали ичак етишмовчилиги тор ичак синдромида диетотерапиянинг аҳамияти исботланган University of Copenhagen (Дания); юракнинг ишемик касалликларида тромбозни олдини олишга йўналтирилган дори воситаларнинг қабул қилиниши натижасида ошқозон-ичак тизимининг юқори қисмида қон кетишини олдини олишга қаратилган даволаш тактикаси ишлаб чиқилган National Medical Research Center of Cardiology, (Россия); ўткир ичак етишмовчилиги билан хасталанган беморларнинг гомеостаз ва оксидланишнинг етишмовчилигини олдини олишда микроэлементлар асосида коррекциялашнинг тизими ишлаб чиқилган Ivano-Frankovsk National Medical University (Украина); P2Y₁₂ ингибиторларнинг учинчи авлодини клопидогрел билан солиштириш натижасида ошқозон ичак тизими қон кетишини олдини олишдаги самардорлиги исботланган University of Hong Kong, Хитой); мультипараметрик логистик регрессия ёрдамида сепсиснинг клиник мезонлари ишлаб чиқилган University of Toronto, Канада); тўғри ичакнинг ўсма касалликларида хирургик даволашдан кейинги жаррохлик амалиётининг периферик резекцияси чегараларининг прогностик аҳамияти исботланган Fudan University (Хитой); иккита антитромбоцитар даволашга қаратилган дори воситаларни қабул қилиш антижасида пациентларда қон кетишнинг UGIB ва LGIB даражаси бир хил бўлиб, қон кетиш даражаси DAPT қабул қилиш даражасига боғлиқлиги исботланган (University of Kansas, AQSH); юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда

ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштирилган (Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Ўзбекистон).

Дунёда юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, коронар бузилишлар мавжуд беморларда ярали гастродуоденал қон кетишлар кечишини оғирлигини башоратлашга қаратилган модификацияланган интеграл шкалани яратиш; юрак ишемик касаллигининг турли клиник кўринишлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларнинг турли шакллари даволаш тактикасини янги дастурини ишлаб чиқиш; юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда индивудуал даволаш тактикасини танлашнинг компьютер дастурини радикал хирургик даволаш тартибиди кенг қўллашга кўрсатмалари натижаларини асослаш; юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда индивудуал даволаш тактикасини қўллаш компьютер дастурини клиник самарадорлигини баҳолаш орқали янги эндоскопик гемостаз усуллари ва интенсив даволаш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп сонли илмий амалий тадқиқотларга қарамасдан шошилич абдоминал жарроҳликда ЮИК ли ЯГДҚҚни ташхислаш ва даволаш муаммоси ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Аксарият ишлар анъанавий клиник-лаборатор ҳамда асбоб ускуналар билан текшириш усуллари орқали ЮИК лари билан бирга келган ЯГДҚҚни ташхислаш ва даволаш масалаларига бағишлангандир, улар ўзининг чегараланганлиги ва турли туманлиги кучи билан бирга келувчи патологик ҳолатни мутлақо аниқ акс эттира олмайди (Лузина Е.В., Ларева Н.В., Жилина А.А., 2017). Мазкур вазифани ҳал этиш биринчидан ушбу гуруҳ беморларида эндоскопик манипуляцияларни ўтказишга кўрсатмаларни кенгайтириш заруриятини, иккинчидан эса олдингиларидан ўзининг оддийлиги, ҳаммабоплиги ва самарадорлиги билан фарқ қилувчи ярали қон кетиш гемостазининг янги усуллари (Tomishima K., Sato S., Amano N., Murata A. A., 2018) кўзда тутди. Бу билан боғлиқ ҳолда ҳозирги вақтда кечиш оғирлиги тоифасини башоратлашни интеграл шкаласини ишлаб чиқиш ва компьютер дастури асосида патологияларни мазкур бирга келишида даволаш тактикасини танлаб олиш (Gralnek I.M., Dumonseau J.M., Kuipers E.J. et al. 2015) зарурияти юзага келди. Бу бемор ҳолатининг оғирлиги, ҳар икки касалликни ўзаро оғирлаштирувчи омиллари, марказий гемодинамиканинг нотурғунлиги, яққол намоён бўлган камқонлик ва даволашни ўтказиш зарурияти билан боғлиқ бўлиб бир қатор позицияларда турли туман йўналиш тавсифига эга (Tomishima K., Sato S., Amano N., Murata A. A. 2018). ЯГДҚҚни ЮИК нинг турли клиник вариантлари билан бирга келганда, беморга бир томондан жадал ўрин босувчи инфузион терапия буюрилсада, бироқ юрак етишмаслиги фонида у чегараланган тавсифга эга бўлиши лозим. Бошқа томондан эса бемор тизимли тромбозис ва антикоагулянтларни буюрилиши билан олинган

кўрсатмалар мавжудлигида гемостатик даволашни ўтказишга мухтож бўлади. Шу билан боғлиқ ҳолда ўткир коронар етишмовчилиги бўлган ЯГДҚК ли беморларни консерватив даволаш тизимида таъсири миокарднинг метаболлик ишемиясида юзага келувчи ўзгаришларни турғунлаштириш ва тўғрилашга қаратилган антиоксидант, антигипоксант дори воситалари – миокардиоцитопротектор (Цапко Л.П., Афанасьев С.А., Максимов И.В., 2016) ларни киритиш зарур.

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими хирургиясининг амалиёти билан хасталанган беморларда жарроҳлик амалиётини амалга ошириш борасида (Алижанов Ф.Б., 2010; Хаджибаев А.М., 2015; Каримов Ш.И. 2016; Акилов Х.А. 2017), илмий-амалий ишлар олиб борган. Бундан ташқари, шу нарса равшанки, ЯГДҚК, ЮИК билан хасталанган беморларнинг маълум тоифасини даволаш жараёнида жарроҳлик гемостазига зарурият юзага келади (Хаджибаев А.М., Махамдаминов А.Г., Набиев А.А. ва б., 2020). бироқ, юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини баҳолаш тизими ўрганилмаган.

Ниҳоят, аниқ клиник вазиятларда муҳим стандарт ҳаракатларни кўрсатиш билан юракнинг ишемик касалликлари негизида ярали гастродуоденал қон кетишлар билан бирга келишида даволаш–ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилмаганлиги, унинг натижасидаги турли асоратлар ва қон кетиш натижасида юзага келадиган ўлим даражасининг кескин ошиши ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни олиб боришни тақоза қилади ва бугунги кундаги шошилишчи тиббиёт йўналишидаги ҳал қилиниши зарур муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилишчи тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ №Ф5СС-055 «Ульцерогенез механизмларининг тузилмавий асослари, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касалликларининг асоратларини жарроҳлик амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни хирургик даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва янги даволаш-ташхислаш алгоритмларини тадқиқ этишни такомиллаштириш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишларни клиник ва демографик хусусиятларини баҳолаш;

юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишлар негизида миокарднинг функционал ҳолатини баҳолаш;

юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишларда қон кетиш асоратлари ва ўткир коронар эксцесслар даражасини, касалликни турли

хил даволаш тактикаларини қўллашдан кейин опрециядан кейинги ва умумий асоратларни баҳолаш;

юрак ишемик касалликлари негизида гастродуоденал ярали қон кетишлар қайд қилинган беморларда интенсив даволаш тартибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

юрак ишемик касалликлари негизида гастродуоденал ярали қон кетишларни эндоскопик усулда тўхтатиш усуллари самарадорлигини клиник ва морфологик тадқиқотлар натижаларини солиштирма тахлили қилишни клиник кузатиш ва эндоскопик гемостазни ишончли ва хавфсиз усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишни натижаларини баҳолаш;

коронар бузилишлар қайд қилинган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишлар кечишини оғирлигини башорталаш ва умумий ҳолатини баҳолашга қаратилган модификацияланган интеграл шкалани яратиш, юрак ишемик касаллигининг турли клиник вариантлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларнинг турли шакллари даволаш тактикасини янги дастурини ишлаб чиқиш;

юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда индивудуал даволаш тактикасини танлашнинг компьютер дастурини радикал хирургик даволаш тартибини кенг қўллашга кўрсатмаларни натижаларини баҳолаш;

юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда индивудуал даволаш тактикасини қўллаш компьютер дастурини клиник самарадорлигини баҳолаш орқали янги эндоскопик гемостаз усуллари ва интенсив даволаш тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида 2010-2020 йилларда стационар даволанишда бўлган юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда бўлган 667 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда беморларни ташхислаш ва даволашни анъанавий ва янги усуллари натижаларининг материаллари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ишни бажаришда қўйилган вазифаларни амалага ошириш мақсадида беморларнинг операцияга тайёргарлиги ва умумий ҳолати, клиник белгилари клиник усулида баҳоланган; инструментал (юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда гастродуоденал ярали қон кетишларни даволашда) ЭФГДС, УТТ, қорин ва кўкрак кафасининг рентгенографияси, ЭКГ, ЭХоКГ, қоннинг микокардиал маркерлари ва олинган натижалар статистик тадқиқот усулларида қайта ишланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юракнинг ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ЯГДҚК негизида миокарднинг функционал ҳолати баҳоланиб, беморларда касалликни даволашни турли стратегияларини қўллашда ҳаёт учун хавфли

бўлган иккита асорат қон кетишини қайталаниши ва ўткир коронар эксцесснинг ривожланиш хавф даражаси асосланган;

юракнинг ишемик касаллиги негизида ЯГДҚҚли беморларни интенсив даволашни такомиллаштирилган схемасининг самарадорлиги, морфологик ва клиник тадқиқотлар серияси билан беморларда 40%ли глюкоза эритмаси билан аутоплазма аралашмасини периульцероз соҳага инъекция қилиш – эндоскопик гемостаз усулини юқори самарадорлиги ва ҳавфсизлиги исботланган;

травматологик профилидаги беморлар учун республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида илгари ишлаб чиқилган SAPS-РШТЁИМ модификацияланган шкаласини қўллаш, касалликни кечишини башоратлаш ва оғирлик ҳолатини баҳолашга универсал ёндошув зарурлиги исботланган;

илмий ва клиник қўллаш учун юрак ишемик касаллигида беморларда ЯГДҚҚ мисолида турли клиник ва лаборатор белгиларнинг башоратлаш қийматини ҳисоблаш усуллари, улар касалликни асоратли ва ноҳуш кечишини энг маълумотли предикторларини ажратиб олишга имкон берган;

биринчи марта касаллик кечиши оғирлигини башоратлаш ва умумий ҳолатини баҳолашни модификацияланган интеграл шкаласи асосида ЮИКнинг турли клиник вариантлари бўлган беморларда ЯГДҚҚнинг турли шакллари даволаш тактикасини шахсийлаштиришни танлашда клиник амалиёт учун компьютер дастурлари ишлаб чиқилган;

даволаш тактикасини индивидуаллаштириш компьютер дастурини танлаб олиш дастури ёрдамида ажратиб олинган юрак ишемик касалликлари билан ҳасталанган беморларнинг чегараланган қисмида ЯГДҚҚни даволашни радикал жарроҳлик усулини қўллаш билан кўрсатмаларни кенгайтиришни имконияти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юракнинг ишемик касаллиги негизида ярали гастродуоденал қон кетишлардаги эндоскопик гемостазнинг янги самарали ташхислаш ва даволаш усули таклиф этилган;

юракнинг ишемик касаллиги негизида беморларни ЯГДҚҚ даволаш схемасига замонавий антиоксидант, антигипоксант дори воситаларини жорий этилиши, миокардни функционал ҳолатини тўғрилашни ўтказишга ва мос ҳолда даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган;

юракнинг ишемик касаллигини турли клиник шакллари бўлган беморларда ЯГДҚҚни кечиш оғирлигини башоратлаш ва умумий ҳолатини баҳолашда ишлаб чиқилган модификацияланган интеграл шкаласи ва унинг асосида яратилган компьютер дастури ташхислашни оптималлаштиришга ва асосланган даволаш тактикасини танлаб олишга имкон берган;

юракнинг ишемик касаллигининг турли клиник вариантлари бўлган ЯГДҚҚли беморларни даволаш тактикаси учун компьютер дастурларини танлаб олиш билан янги даволаш алгоритмининг клиник амалиётга жорий этилиши, асоратлар сонини камайишига ва бунинг натижасида даволаш натижаларини яхшиланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундан иборатки, ҳолатлар, хулоса ва таклифлар юракнинг ишемик касаллигининг турли вариантлари билан оғриган беморларда ЯГДҚК кечилиши клиник-функционал ўзига хосликлари тўғрисидаги билимларни сезиларли кенгайтириш, асосий назарий натижалари, ташхислаш ва даволашнинг янги рақобатли усулларини шакллантириш, алоҳида натижалар ЮИКларини турли клиник вариантли ЯГДҚК билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволаш тизимини замонавий вариантларни яратиш алгоритми ва тактикасининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки асосий хулоса ва тавсиялар коронар бузилишлари бўлган беморларда ЯГДҚКни ташхислаш ва даволашда қўлланилиши мумкинлиги, мазкур патологик ҳолатларни ташхислаш ва даволаш жараёни, юракнинг ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ЯГДҚКни асосланган даволаш тактикасини янги танлаб олинган компьютер дастурлари ва уларни кечиш оғирлиги тоифасини башоратлашни модификацияланган интеграл шкаласини ишлаб чиқиш йўли билан сезиларли оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Олинган илмий натижалар асосида «Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал ярали қон кетишларни рационал даволашни танлашда интеллектуал компьютер тизимли ташхислаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 декабрдаги 8н-д/235-сон маълумотномаси).

«Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал ярали қон кетишларни даволаш тактикасини танлашнинг компьютер дастури» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога(ишчи интерфейс) гувоҳномаси олинган. Ушбу усул ишчи интерфейсининг компьютер дастури юрак ишемик касаллиги билан биргаликда кечадиган гастродуоденал ярали қон кетишларни адекват даволаш тактикасини танлашнинг имконини берган;

«Эндоскопик ярали гемостазнинг янги усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога маълумотномаси

олинган (FAP 0200131/1). Ушбу усул ярали гастродуоденал қон кетишларда ишончли гемостазни амалга ошириш имконини берган;

Юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд, Хоразм ва Наманган филиаллари реанимацион жонлантириш бўлимларининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 январдаги 8н-з/11- сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юрак ишемик касалликлари негизида ярали гастродуоденал қон кетишларни даволаш сифатини яхшилаш, жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратларни камайтириш натижасида асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан қон кетишларнинг қайталанишлари даражасини 2,5 мартага, юракнинг ишемик касалликлари оқибатида келиб чиқадиган коронар асоратлар 1,9 мартага, жарроҳлик амалиётидан кейинги ва умумий ўлим ҳолати мос равишда 2,25 ва 4,4 мартага камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юракни ишемик касаллиги билан оғриган беморларда ярали қон кетишини ташхислаш ва даволашнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган. Боб учта кичик бўлимдан ташкил топган, уларда юракни ишемик касаллиги билан оғриган беморларда гастродуоденал ярадан қон кетишини ташхислаш

ва даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Патологияларни бундай бирга келиши оғир бўлиб ҳисобланади ва касалланиш ҳамда ўлимни юқори кўрсаткичлари билан бирга кузатилади. Анъанавий ташхислаш усуллари ва даволаш тактикаси ўз имкониятларининг чегараланган кучи билан тўлақонли ташхислашни таъминлаш ва ЮИКли беморларда ярадан қон кетишини самарали коррекция қилишни таъминлай олмайди. Шу билан боғлиқ ҳолда умуман олганда даволаш тактикасини такомиллаштириш, шунингдек ЮИКли беморларда ярадан қон кетишини даволашни аниқ усулларини ўрганиш бўйича келгусида тадқиқотлар ўтказиш зарурияти мавжуддир.

Диссертациянинг «Юракни ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ярали қон кетишини ташхислаш ва даволашни баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари келтирилган. Иш 2010-2020 йилларда РШТЎИМнинг жарроҳлик бўлимига ётқизилган, ЮИКли 667 нафар беморларда ЯГДҚК ташхислаш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқотга турғун ва нотурғун стенокардия, СТни кўтарилиши ва кўтарилмаслиги билан кечувчи ўКС, шунингдек ўткир миокард инфаркти билан хасталанган беморлар киритилди.

ЮИК турли клиник шакллари билан ЯГДҚКли беморларни даволаш-ташхислаш усуллари ва даволаш тактикасига боғлиқ ҳолда 2 гуруҳга бўлинди: назорат гуруҳига 413 (61,9%) нафар беморлар киритилди, уларда анъанавий даволаш –ташхислаш тактикаси қўлланилди; асосий гуруҳнинг 254 (38,1%) нафар беморида даволаш тактикасини оптималлаштиришни амалга оширишнинг асосини ЮИКли ЯГДҚК кечиш оғирлигини ташхислашнинг модификациялаган интеграл шкаласини ва даволаш тактикасини танлаб олувчи компьютер дастурини ўз ичига қамраб олди. Бундан ташқари, асосий гуруҳ беморларида ўтказиладиган даволаш жараёни яра гемостазини янги эндоскопик усули билан консерватив даволашнинг такомиллаштирилган схемаси, шунингдек жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш усулини танлашни оптималлаштириш билан тўлдирилди.

Текширилганлар орасида эркаклар 352 (52,7%), аёллар – 315 (47,3%) нафарни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши $62,8 \pm 10,8$ ни ташкил қилди. Улардан 414 (62,1%) нафар текширилганларда ўткир яралар кузатилган бўлса, 253 (37,9%) нафарда яра жараёни сурункали бўлди. Бунда ўткир яралар кўпроқ меъдада жойлашди (57,7%), сурункали қон кетувчи яралар эса – ўн икки бармоқли ичакда (67,2%) жойлашди. Бундан ташқари, ўткир яралар 15,2% беморларда ва яра касаллиги билан хасталанган 9,1% нафар беморларда яра субстрати жойлашишини аралаш (бир вақтнинг ўзида меъда ва ЎБИни шикастланиши) даражаси ўз ўрнига эга бўлди (1-жадвалга қarang).

Ярали қон кетишининг дастлабки эпизоди бўйича фақат 42,7% беморлар келиб тушди, қолган беморлар анамнезида олдинги қон кетиш ҳолатлари кўрсатилди, бу эса ярадан қон кетишини бошидан ўтказган ЮИКли

беморларда ярага қарши даволаш самарадорлигини ошириш ва олдини олиш тадбирларини кучайтиришни маълум даражадаги заруриятини кўрсатади.

1-жадвал.

Қон кетишга мойил яраларнинг жойлашиши ва хусусиятига қараб беморларни тақсимлаш

Яранинг жойлашиши	назорат гуруҳи, n=413		асосий гуруҳ, n=254		Жами, n= 667	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ўткир яралар, n=414 (62,1%)						
Ошқозонда	156	55,1	83	63,4	239	57,7
ЎБИда	81	28,6	31	23,7	112	27,1
Аралаш	46	16,3	17	13,0	63	15,2
χ^2 -тест	Df=2, $\chi^2_{\text{стат}}=2,498$, $\chi^2_{\text{крит}}=5,991$, p>0.05					
Жами	283		131		414	
Сурункали яралар, n=253 (37,9%)						
Ошқозонда	31	23,8	29	23,6	60	23,7
ЎБИда	88	67,7	82	66,7	170	67,2
Аралаш	11	8,5	12	9,8	23	9,1
χ^2 -тест	Df=2, $\chi^2_{\text{стат}}=0,128$, $\chi^2_{\text{крит}}=5,991$, p>0,05					
Жами	130		123		253	

ЯГДҚКли беморларнинг ҳолати оғирлигини баҳолашдаги мезонлардан бири бўлиб, қон йўқотиш даражаси ҳисобланади, у гематокрит даражасини аниқлашга асосланган F.D. Moore (1956) усули бўйича аниқланади. Қон йўқотиш оғирлигини даражаси тўғрисида глобуляр хажм, айланиб юрувчи қон хажми етишмаслик даражасига асосланган П.Г. Брюсов (1998) таснифи бўйича фикр юритилди. Қон йўқотишнинг енгил даражаси фақат 98 (14,7%) нафар беморда ўз ўрнига эга бўлган бўлса, 339 (50,8%) нафар беморларда қон йўқотишни ўрта даражаси аниқланди, 230 (34,5%) нафарида эса оғир даражаси ташхисланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.


Текширилган беморларда қон йўқотиш даражаси

Қон йўқотиш даражаси	назорат гуруҳи, n=413		асосий гуруҳ, n=254		жами, n= 667	
	авс.	%	авс.	%	авс.	%
Енгил	62	15,0	36	14,2	98	14,7
Ўртача оғирликда	202	48,9	137	53,9	339	50,8
Оғир	149	36,1	81	31,9	230	34,5
χ^2 -тест	Df=2, $\chi^2_{\text{стат}}=1,657$, $\chi^2_{\text{крит}}=5,991$, p>0,05					


Бизлар томонимиздан сурункали ярадан қон кетиши ташхисланган ЮИКли беморларнинг амалий жиҳатдан барчасида 10 йилгача ва ундан ортиқ давр мобойнида яра анамнезини мавжудлигини кўрсатди. Фақатгина 4,7% нафар беморларда сокин яра деб номланувчи ҳолат кузатилди. Яъни ярага қарши олдини олувчи даволашни ўтказиш ва эндоскопик текширишларни

талаб этувчи ЯГДҚК бўйича юқори ҳавф гуруҳини ажратиб олиш мақсадида антиагрегат даволашни буюришда ЮИКли беморларда яра анамнезини аниқлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Юракнинг ишемик касалликларининг гемораргия билан биргаликда кечишида юракнинг функционал ҳолати ва гастродуоденал қон кетишларни ташхислаш**» деб номланган учинчи бобида ЮИКнинг турли шакллари бўлган беморларда ЯГДҚКнинг манбаси ва тавсифини баҳолаш ҳамда ташхислашга бўлган бизнинг ёндошувларимиз тизимлаштирилди. Меъда ичак трактининг юқори қисмларидан қон кетишининг аниқ клиникасини (мелена, қаҳва қуйқасини ва қон қусиш) мавжудлиги, ЮИКнинг шаклидан қатъий назар ЭГДФСни ўтказиш учун мутлоқ кўрсатма бўлиб ҳисобланади. Эндоскопияда гастродуоденал яралардан қон кетиш фаоллиги Форрест таснифига мос ҳолда баҳоланди (1974). Бунда 18 (2,7%) нафарида оқимли, артериал қон кетиши (F1A) ўз ўрнига эга бўлса, 123 (18,4%) нафар беморларда қонни веноз қон кетиши кўринишидаги сизиб чиқиши аниқланди (F1B) (1-расмга қаранг). Мос ҳолда, ЮИКда F2 ва F3 бўйича тўхтатилган қон оқиши билан кўпроқ сурункали яралар беморлар келиб тушди (84,2% га қарши 75,6%, $p=0.009$). Давомли қон кетишини (F1A и F1B) ЮИКли беморларда, бизлар сурункали яраларга солиштириш бўйича (24,4% га қарши 15,8%, $\chi^2=6,944$, $p=0,009$) (2-расмга қаранг) ЎБИ ва меъданинг шиллик қаватларини ўткир яраланишида ишончли равишда кўп кузатдик.



1-расм. Эндофотограмма: F1A (а) ва F1B (б) яралар қон кетиш ўрни



2-расм. Эндофотограмма: F2A (а), F2B (б), F2C (в) бўйича яралар қон кетиш.

Амалий жиҳатдан тадқиқот ишларни бажаришга жалб қилинган беморларнинг ярмида (291; 43,5%), ЭГДФС ўткир коронар эксцесслари кўринишидаги ўткир коронар синдроми (231; 34,6%) ЭКГси ва клиник фониди ҳамда миокарднинг ўткир инфаркти (60; 8,9%) ҳолатида бажарилди (3-жадвалга қarang). Ушбу беморларда ташхисловчи ва даволавчи ЭГДФСни жарроҳлик реанимацияси бўлимида, кардиолог кузатуви остида ўтказилди. Бизнинг кузатувларимиздаги ҳеч бир ҳолатда ЎКС ва ЎИМ фониди эндоскопик муолажаларни ўтказиш вақтида ўткир юрак қон томир етишмовчилиги нисбатан ҳавфсизлигини кўрсатувчи мазкур ҳолат, биз томондан тавсия этилган усулни даволаш имкониятларини ўткир коронар эксцессли беморларда янада фаол қўллашга ундади, шу билан боғлиқ ҳолда асосий гуруҳ беморларида ЎКС ва ЎИМ ЭКГ – белгилари бўлган шахсларнинг нисбий оғирлиги назорат гуруҳ беморларида 55,9% га қарши 36,1%ни ташкил этди (р

3-жадвал.

Юрак ишемик касаллигининг турли шаклларида гастродуоденал қон кетишларда клиник ва ЭКГ белгилари, n=667

ЮИК турлари	Назорат гуруҳи, n=413		Асосий гуруҳ, n=254		Жами, n=667	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Стенокардия зўраювчи/кучаювчи	264	63,9	112	44,1	376	56,4
Ўткир коронар синдром:	118	28,6	113	44,5	231	34,6
↑ST сиз	48	11,6	42	16,5	90	13,5
↑ST билан	70	16,9	71	28,0	141	21,1
Ўткир инфаркт миокард:	31	7,5	29	11,4	60	9,0
Q тишларсиз	24	5,8	23	9,1	47	7,0
Q тишли	7	1,7	6	2,4	13	1,9
χ ² -тест	Df=2, χ ² _{стат} =25,148, χ ² _{крит} =9,21, p<0,001					

4-жадвал

Назорат остига олинган беморларни ЭХоКГ кўрсаткичларнинг меъёрда ва консерватив даволашгача бўлган муддатдаги кўрсаткичлари, n=201 (M ± m)

Кўрсаткичлар	Меъёрда	Даволашгача	p
ЧҚММ (ММЛЖ), г	125,8±24,5	165,1±16,8	p<0,01
ЧҚММИ (ИММЛЖ), г/м ²	82,3±10,4	124,7±12,4	p<0,01
ЧҚОДҚ (ТЗСЛЖ), мм	9,6±0,8	11,6±0,98	p<0,01
ҚОД (МЖП), мм	9,8±0,9	11,2±0,9	p<0,05
ТФ (ФВ), %	55,8±5,2	44,2±4,97	p<0,01
ТХ (УО), мл	82,7±18,6	78,5±5,84	p<0,05

ЮИКли геморрагияни биргаликда келишида юракнинг функционал ҳолатини баҳолаш Эхо-КГ маълумотлари бўйича ўтказилди, бу асосий гуруҳнинг 87 нафар ва назорат гуруҳининг 114 нафари (умумий ST сигментини кўтарилиши ва ЎИМ ли ЎКС, ЭКГ-белгилари бўлган (201(30,1%) нафар) (4-жадвалга қаранг) беморларида олиб борилган.

Аниқландики, ЯГДҚК негизида миокарднинг қисқарувчанлик қобилиятини ишончли пасайиши қайд этилади, бу ЭхоКГда ташлаш фракцияси (ТФ) $44,2 \pm 4,97\%$ ва зарба ҳажмини (ЗХ) $78,5 \pm 5,84$ млгача пасайиши, чап қоринча миокард оғирлиги (ЧҚММ)ни $165,1 \pm 16,8$ гача ва чап қоринча миокард индексини (ЧҚММИ)ни $124,7 \pm 12,4$ г/м²гача ортиши билан намоён бўлади.

Диссератциянинг «Анъанавий ёндошувлардан фойдаланган ҳолатда юрак ишемик касалликларида гастродуоденал ярали қон кетишларни даволаш натижалари» назорат гуруҳидаги беморларда умумий қабул қилинган даволаш тактикасининг маълумотлари тақдим этилган (n=413). Назорат гуруҳи беморларида (n=413) Forrest таснифи бўйича ЭГДФСда баҳоланган ЯГДҚКнинг тавсифи ва жадаллигига боғлиқ ҳолда, умум қабул қилинган тактикага мосликда бизлар томонимиздан гемостазнинг бирламчи усули сифатида 301 (72,9%) нафар беморда эндоскопик гемостазнинг турли усуллари, шунингдек F2B, F2C ва F3 бўйича қон кетиши мавжуд бўлган 112 (27,1%) нафар беморларда гемостатик консерватив ва ярага қарши олдини олувчи даволаш қўлланилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Бирламчи қўлланилган гемостазнинг самарадорлиги.

Бизнинг кузатувларимизда ЯГДҚКли беморлардаги анъанавий даволашдаги қон кетиши қайталанишининг умумий сони 11,6%ни ташкил этди – 413 нафаридан 48 нафар беморларни бирламчи гемостазидан сўнг касалхонага ётқизиш даврида иккиламчи ярадан қон кетиши ривожланди.

Электрокоагуляция ва склерозант билан инъекция қилиш орқали эндоскопик гемостазнинг анъанавий усуллари қўллаш – фаол қон кетиши

(F1) бўлган 86 нафар беморларнинг барчасида қон кетишини бирламчи тўхтатишга эришишга ва унча узок бўлмаган даврдаги қон кетиш белгилари бўлган (F2A ва F2B) 215 нафар беморда қон кетишини қайталанишлари сонини пасайтиришга имкон берди.

Қон кетишини тўхтатишнинг эндоскопик усуллари қўллашдан кейинги геморрагия қайталанишининг умумий кўрсаткичлари 7,3%ни ташкил этди, мазкур усулдан фойдаланиш рад этилганида эса юзага келган қон кетиш ҳолатининг мавжудлигида (F2B, F2C ва F3 бўйича), қайталанишлар ҳавфи 27,1% ни ташкил этади.

ЮИКли беморларда ЯГДҚК ни қайталанишлари фониди ҳаётий кўрсаткичлар бўйича бажарилган жарроҳлик амалиётларининг натижалари, жарроҳлик амалиётидан кейинги ўлим ҳолати 37,5% кўрсаткичлари билан бирга ниҳоятда қонқарсиз бўлди. Бундан ташқари, ушбу тоифа беморларида 66,7% ҳолатларда очик жарроҳлик амалиётлари ўтказилгандан сўнг ўткир коронар эксцессларини ривожланиши қайд этилади, ваҳоланки, ЮИКли беморларда эндоскопик гемостаз ёки консерватив даволаш қўлланилганда коронар асоратларни ривожланиш ҳавфи мос ҳолда 7,9 ва 9,3%ни ташкил этади. Нохуш яқуннинг ҳал қилувчи ва энг тажоввузкор омили, қон кетишини қайталанишлари билан бир қаторда, ўткир ЯГДҚК фониди коронар эксцессларни ривожланиши 93,5%гача етадиган ўлим билан яқунланади. ЮИКли беморларда ЯГДҚК ни анъанавий даволаш тактикасида умумий ўлим кўрсаткичлари 18,4% ни ташкил этади, бунда коронар асоратларда ўлим даражаси 14,0%га етади, бу вафот этган беморларнинг умумий тузилмасида 76,3% ни ташкил этади.

ЮИКли беморларда ЯГДҚКни даволаш тактикасини танлашга анъанвий ёндошувда гемостазнинг энг ишончли ва ҳавфсиз усули бўлиб, эндоскопик усуллар ҳисобланади, улардан фойдаланганда қон кетиши қайталанишини (6,1%) ва ўткир коронар синдромларининг (7,9%) энг кичик сони қайд этилди. Мазкур вазият бизларда ЮИКли беморларда ЯГДҚК кечиш оғирлигини башоратлашни ишончли шкаласи асосида ЮИКли беморларда ярали қон кетишини даволаш тактикасини танлашни шахсийлаштириш, ўткир коронар синдромни олдини олиш ва даволашга катта урғу бериш билан анъанавий интенсив даволаш схемасини қайта кўриб чиқиш, эндоскопик гемостазни ишончилиги ва ҳавфсизлигини оширишга бўлган кўрсатмалар йўлини кенгайтиришни излашга ундайди.

Диссертациянинг «**Юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда ярали қон кетишларни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида «Юрак ишемик касалликлари билан хасталанган беморларда ярали қон кетишларни олиб бориш тактикасини танлашнинг компьютер дастури»нинг информативлиги баҳолаш натижаларининг самарадорлиги баён этилган.

Бизнинг беморларимизда ҳар бири ўз ҳолича бемор ҳаёти учун ҳавф туғдирадиган камида иккита тажоввузкор патологик ҳолатларнинг мавжудлиги сабабли, компьютер дастурлари асосига ЮИКли билан оғриган беморларда ярадан қон кетишига мослаштирилган - SAPS-РШТЁИМ шкала

деб номланувчи беморлар холатининг оғирлигини баҳолашни модификацияланган интеграл шкаласи қўйилган.

Юракни ишемик касаллигида ҳам, ярадан қон кетишида ҳам асоратли кечишнинг энг маълумотли предикторларини танлаб олиш мақсадида SAPS-RШТЁИМ шкаласини ишлаб чиқишда, бизлар томонимиздан беморнинг ёши, онгининг холати, гемодинамика ва нафас кўрсаткичлари, гемоглобин, тромбоцитлар миқдори, гематокрит, протромбин индекси, А фибриноген, мочевино, Альговер индекси, Форрест бўйича қон кетиш жадаллиги, қон йўқотиш хажми, миокарддаги ўзгаришларнинг даражаси ва тавсифи каби клиник ҳамда лаборатор кўрсаткичларнинг кенг рўйхатини балларда баҳоланди. ЮИКда ЯГДҚКни асоратли кечиши предикторлигига номзод сифатида – ҳар бир танлаб олинган кўрсаткич бўйича 3 тадан 7 тагача бўлган диапазонлар ажратиб олинди, улар ўзининг башоратлаш салмоғи ҳисоблаш катталигига боғлиқ холда 0 дан 3 баллгача баҳоланди.

Ўрганилган предикторларнинг башоратлаш қийматини баҳолаш асосида 18 та энг ишончли клиник-лаборатор ва асбоб ускуналар параметрлар танлаб олинди. Бизлар томонимиздан таклиф этилган башоратлаш шкаласининг сезувчанлиги, махсуслиги ва умумий аниқлиги энг мақбул бўлиб ҳисобланади ҳамда 73-86% чегарасида ўзгариб туради.

Компьютер дастури интуитив тушунарли бўлган ишчи интерфейсига эга бўлиб, касалликни асоратли кечиш предикторлари кўрсаткичларини дастурга тез ва осон киритишга имкон беради, шундан сўнг интеграциялашган калькулятор автоматик тартибда балларнинг йиғинди жамланмасини ҳисоблаб чиқади ва бемор холатининг оғирлик тоифасини кўрсатади, буни ҳисобга олиш билан эса беморни даволаш тактикасини танлаб олиш бўйича тавсиялар таклиф этилади.


